

*Аҳмад Фарғоний номидаги
аҳборот-кутубхона маркази
Аҳборот-библиография бўлими*



**Дилларда мангу барҳаёт
Ўзбек шоираси, ёзувчи
Саида Зуннунова
таваллудининг 90 йиллиги**

ЭСЛАТМА

Фарғона - 2016

Саида Зуннунова 1926 йилда Андижонда туғилди. Унинг адабиётга меҳр қўйишида отаси Эргашбой ва онаси Сабохонларнинг хизматлари катта бўлган. Шоира ўн беш ёшга кирганда отаси вафот этади. Бу воқеа урушнинг энг оғир таҳликали йилларига тўғри келган бўлиб, бир этак бола билан ёлғиз қолган онасига мадад бериш учун ёш Саида хам тиним билмай ишлайди. Ҳатто ўрта мактабнинг битирувчи синфини томомлашга шароити бўлмай ўзи мустақил таёrlаниб, Андижон Давлат ўқитувчилар таёrlаш институтига ўқишига киради. Институт таҳсилидан сўнг мактабда ва газетада ишлайди. Ижодга бўлган қизиқиш 1947 йили шоирани Ўрта Осиё Университетининг филология факультетига етаклайди. Унверситет таълими, пойтахтдаги жўшқин адабий муҳит Саида Зуннунованинг ижодига ижобий таъсир кўрсатди. Фоғур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайҳзода каби етук шоирларниг эътибори, самимий маслаҳатлари бесамар кетмади. 1948 йилда чоп этилган илк шеърлари тўплами “Қизингиз ёзди” унинг номини шоира сифатида элга танитди.

1950 йилда ўзининг фельетон ва ҳажвий ҳикоялари, мақолалари орқали жамоатчиликка танилиб улгурган ёзувчи Саид Аҳмад билан Саида Зуннунова турмуш қурадилар. Тақдир никоҳ куниёқ уларнингт бошига шафқатсиз кунларни сола бошлади. Шоиранинг биттагина укаси Насибжон бевақт вафот этди. Тўйдан уч ой ўтар-ўтмас Саид Аҳмад “халқ душмани” деган ноҳақ айблов билан қамоққа олиниб, узок муддатга озодликдан маҳрум этилади. Саида Зуннунованинг ўша йиллардаги қийин аҳволини, унга тез-тез бўлиб турадиган ҳужумларга қандай матонат билан дош берганини Озод Шарафиддинов, Лазиз

Қаюмов, Ҳалима Носирова ва бошқа кўпгина замондошлари ҳурмат ила эслайдилар.

Саида Зуннунова шеърларида қайси мавзуга мурожаат этишдан қатъий назар, унда аввало, инсонга ҳамда инсоният бешиги бўлган она табиатга кучли муҳаббат руҳи уфуриб туради. Унинг шеърлари кишини ҳаяжонга солади, ҳаёт ҳамда инсон умрининг мазмуни ҳақида фикр юритади ва ўқувчини мулоҳазага чорлайди, қалбини гўзалликка ошно этади. У бир шеърида инсонларга бўлган кучли муҳаббатини шундай тасвирлайди:

Сайр қилсангиз, бўлайин гулзор,
Тингласангиз, бир булбули зор.
Чанқасангиз, муздек бир чашма
Бўстон бўлай, кезинг беозор.
Ёр йўлида мунтазир кўрсам,
Ойдин бўлиб бошлаб келайин.
Ғамингизни айтинг, олисга.
Олисларга ташлаб келайин.
Аммо дўстга дўст бўлмасангиз
Ёмон ният тугсангиз дилга.
Яхшиларга йўлатмам сизни,
Чўтири бўлиб ётаман йўлга.

Севимли шоира ва адиба Саида Зуннунова ўзининг нафис шеър ва достонлари, қатор насрий асарлари билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирди.

Унинг илк шеърий тўпламига таниқли шоир Фофур Ғулом “Кизингиз



Саида Зуннунова • Ўшандаям куз эди

ёзди” деб ном қўйиб берган эди. Шундан сўнг шоиранинг “Янги шеърлари”, “Қизларжон”, “Нилуфар” сингари қатор шеърий тўпламлари босилиб чиқди ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. “Рух билан сухбат”, “Қўшниларим”, “Алла”, “Лирик нутқ” каби лирик достонлари эълон қилинди. Севимли шоирамизнинг “Ҳай ҳай”, “Мажнунтол”, “Ёр кезар”, “Ёр ўтиму” каби шеърлари машҳур ҳофизларимиз томонидан куйлаб келиняпти.

Саида Зуннунованинг насрый асарлари ҳам ўқувчилар томонидан ҳамон севиб мутолаа қилинмоқда. Шоира “Сўқмоқлар”, “Гулхан”, “Одамлар орасида”, “Янги директор” каби қиссалари, ўнлаб ҳикоялари билан йирик адiba сифатида танилди.

XX аср ўзбек адабиётининг босиб ўтган йўлини ҳақиқат излаш, инсон қалбига яқинлашиш йўли деса бўлади. Саида Зуннунова ижоди бунга ёрқин мисолдир. Шоира умр бўйи ҳақ сўзни айтди ва қалбининг буюрганини ёзди. Шоиранинг бу ҳислатлари ёш шоираларга ўrnak бўлгулиkdir.

Саида Зуннуновадан бой адабий мерос қолди. У бир умр Ўзбекистоннинг мустақиллигини орзу қилиб яшади. У юрт фарзанди сифатида, мана шу Ватаннинг фидойи ижодкори сифатида қилган ҳаётий ва ижтимоий жасорати барчамизга ибратdir. Машҳур адiba ва шоира асарлари ҳамон севиб ўқилаётгани ҳам шундан далолатdir.

Саида Зуннунова қисқа, аммо сермазмун умр кечирди.

Фойдаланилган адабиётлар

Воҳидов Э. Жасоратли ижодкор//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. – 17 май. – Б. 1,3.

Дилбар Бону. Дилларда мангу барҳаёт//Мулқдор. – 18 май. – Б. 4.

Эргашева Ш. “Иродаси букилмас бир аёл...” эди//Маҳалла. – 2005. – 23 нояб. – Б. 4.

Тузувчи:

Мамадиева Д.